

Ноўрин мақтов маддоҳликдир



11:56 / 18.02.2019 5302

Ортиқча ва ноўрин мақтов маддоҳликдир. Бирор мансаб ёки манфаат илнжида одамларни юзига мақтовчи, асли йўқ, ҳақиқатга зид ва ботил нарсаларни тарғиб қилувчи маддоҳ деб аталади. Ҳадисда келишича, бир киши Усмон розияллоху анхунини мақтаганида, саҳоба Миқдод ибн Асвад розияллоху анху унинг юзига тупроқ сочиб юборган. Усмон: «Бу нима қилганингиз?» деб сўраганида, Миқдод бундай деган:

«Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг «Агар маддоҳларни (мақтовчиларни) кўрсангиз, юзига тупроқ сочинглар», деганларини эшитганман» (Имом Муслим ривоят қилган). Бу иш мақталган кишининг кибрга берилиб кетишига ва босар-тусарини билмай, ахлоқан бузилишига олиб боради. Натижада бундай одам ҳалокатга учрайди ва бора-бора одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун шариатимизда маддоҳликдан

тийилиш буюрилган.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мақтаб, маддоҳлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни ҳалок қилдиларинг ёки белини уздиларинг», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар.

Кишини юзига мақташнинг фойдаси ҳам, хатари ҳам бор: агар мақталаётган киши комил иймонли, ишончли, риёзатли, маърифатли бўлса ва мақтовдан фитналанмаса ёки ғурурга кетмаса, мақтов ҳаром ҳам, макруҳ ҳам бўлмайди. Аксинча бўлса, кишини юзига мақташ қаттиқ макруҳ бўлади. Суннатга кўра, агар бир кишини мақташга тўғри келиб қолса, «у шундай фазилатларга эга бўлса керак, деб ўйлайман, агар у шу сифатларга эга бўлса, «Унинг кифоячиси Аллоҳдир, Аллоҳ олдида бирор киши айбсиз эмас», дейиш керак.

Одамлар даражаларига қараб мақтовни турлича қабул қилишади. Авом кишилар мақтовдан яйраб, хурсанд бўлишади, маддоҳ айтаётган фазилатлар ўзларида мавжудлигидан фахрланиб, кибрланишади, мақтовчини ўзларига дўст тутишади. Обидлар мақтовдан иложи борича қочишга ҳаракат қилишади, у эгаллаб қолмаслиги учун қалбларини ихоталаб олишади. Орифлар эса бундай ҳолларда «Агар Аллоҳ айбларимни беркитмаганида, одамлар фақат фазилатларимни кўриб, мени мақташмасди, демак, бу мақтовлар Аллоҳга тегишлидир» деб фикрлайди ва барча мақтовларни Парвардигорига ҳавола этади.

«Ижтимоий одоблар» китобидан